UZCE
uzbek exchange

100084, O'zbekiston Respublikasi,
Toshkent, Sh.Rashidov shoh k., 4-uy
(+998 55) 501-33-02, www.uzrvb.uz

№ 03-48-279
2022 y. «08» август

Тижорат банкларига

"Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖ вақтинча бўш пул маблағларини танлов асосида тижорат банкларининг депозит қўйилмаларига жойлаштириш масаласини кўриб чиқишни режалаштирмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан қуйидаги талаб ва шартларга мувофиқ тижорат таклифи ҳамда зарур ҳужжатларни тақдим қилишингизни сўраймиз.

Ҳужжатлар:

1) Охирги молиявий йил учун молиявий ҳисоботлар нусхалари (1 ва 2-сонли шакллар).

2) Кредитга лаёқатлилик рейтинг баҳоси мавжудлигини тасдиқловчи қуйидаги халқаро рейтинг агентликларининг ҳужжатлари нусхаси:

- Standard & Poor's - B даражадан паст бўлмаган, прогноз «барқарор»;
- Moody's – B2 даражадан паст бўлмаган, прогноз «барқарор»;
- Fitch Ratings - B даражадан паст бўлмаган, прогноз «барқарор».

3) Жами капитал миқдори тўғрисида маълумот (жами капитал 200 млрд. сўмдан кам бўлмаслиги керак).

Вақтинча бўш пул маблағларини жойлаштириш учун тижорат банкларига қўйиладиган талаблар:

1) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкнинг фаолиятини тўхтатиб туришни назарда тутувчи ёки умуман банк бўйича бирон-бир операциялар турини амалга оширишни тақиқловчи санкцияларнинг мавжуд эмаслиги.

2) Охирги 12 ой давомида, миқдори ва туридан қатъий назар, жалб қилинган депозитлар бўйича 10 кундан ортиқ муддати ўтган тўловларнинг мавжуд эмаслиги.

3) Тижорат банкининг фаолият юритиш муддати (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган санадан эътиборан уч йилдан кам бўлмаган муддат).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳнома ва банк амалиётини амалга ошириш учун лицензия нусхалари тақдим этилади.

ЎзРВБнинг вақтинча бўш пул маблағларини ишончли жойлаштирилишини таъминлаш учун асосий тамойиллар ва шартлар:

1) Тижорат банкларининг депозитларига пул маблағларини жойлаштириш қайтариш, тўлаш, ликвидлик ва диверсификация тамойиллари асосида амалга оширилади.

2) Тижорат банкларига пул маблағларини жойлаштиришда асосий шарт мажбуриятлар бўйича ўз вақтида тўловларни амалга ошириш ҳисобланади.

3) ЎзРВБнинг пул маблағлари тижорат банклари депозитларига 3 **(уч) ойдан 1 (бир) йилгача** бўлган муддатга жойлаштирилади.

4) Депозитлар бўйича фоиз даромадлар тўлови **ҳар ойда** амалга оширилади.

5) Юқорида келтирилган талабларга мос келган ва барча зарур маълумотларни тақдим этган тижорат банклари таклифларини саралашда асосий мезон **таклиф этилаётган фоиз ставкасининг миқдори ҳисобланади.**

Танловда иштирок этиш истаги бўлган тижорат банклари 2022 йил 11 август (соат 15.00) га қадар **танлов таклифларини муҳрланган конвертда тақдим этишлари шарт.**

Кўрсатилган муддатдан сўнг келган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Алоқа учун телефонлар: (55) 501-33-02
Факс: +998 55 501-34-01.
E-mail: info@uzrvb.uz

Бош директор ўринбосари **Б.Салойдинов**